



O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil, 17-noyabr. Seshanba • 134 (32.037) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифи билан Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф 2015 йил 17-18 ноябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастуридан икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви ва музокаралари ўрин олган. Уларда Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислам Республикаси ўртасида Қўшма декларация қабул қилиниши, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ



2016 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қабул қилинди

Мамлакатимизда ҳар йили парламент томонидан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қабул қилинади. Муҳим томонидан унда ҳар бир туман, шаҳар кесимида аниқ вазирилари белгиланади. Бу беҳиз эмас, албатта. Ҳар бир фуқаронинг турмуш фаровонлигида унинг доимий иш билан таъминлангани долзарб аҳамият касб этади.

Дастур ижроси таъминланиши, аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга тайёр бўлмаган кишилар манфаатига хизмат қилади. Шу жиҳатдан олиб қарасак, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, янги иш ўринлари очиб масаласи Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларига хизмат қилади.

► Давоми 2-бетда.

18 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БАЙРОФИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Давлатимиз байроғи — ғуруримиз, ифтихоримиз тимсоли

Мустақил давлатимиз байроғи, унинг яратилиш тарихи, байроқдаги ранглар уйғунлиги, мазмун-моҳияти ҳақида манбалардан ўқиб, ўрганиш мумкин. Лекин унинг асл қадр-қиммати ҳар биримизнинг юрагимизда, қалбимизда бўлиши керак.



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан Тошкент давлат аграр университетда давлатимиз байроғи қабул қилинган кунга бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда шу ҳақда сўз юритилди. Тошкент давлат аграр университети маънавий ишлар бўйича проректори Абдуазиз Абдувасиқов тадбирни очар экан, мустақил давлатимиз рамзаларидан бири бўлган байроғимизнинг тарихий аҳамияти ҳақида тўхталиб, барчани байроқ қабул қилинган кун билан табриклади. Олий Мажлис Сенати аъзолари, партия фаоллари, талабалар мустақиллигимиз тимсоли ҳақида ўз фикр-муло-

ҳазаларини билдирди. Байроғимиз халқимиз, давлатимиз мустақиллигининг муҳим белгисидир. Ўзбекистон давлат рамзларида халқимизнинг қадриятлари, улғу аъёнлари, эзгу оруз-мақсадлари ифода этилган.

Олий Мажлис Сенати аъзоси Мақсуда Ворисова аввало, эрк ва озодлик энг олий неъмат эканини алоҳида қайд этди. Собқ тузумнинг аччиқ хотираларини ёдга олди. Бугунги кун ёшларнинг бахти, толеи баландлигини фахр-ифтихор билан гапирди.

Ўзбек Миллий академик драма театри раҳбари Фатхулла Маъсудов ёшлар

маънавиятини юксалтиришда, уларни миллий истиқлол гоёлари руҳида камолга етказишда маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди. У ўз сўзида Ватанимиз севган ҳар бир инсон унинг рамзаларини ардоқлаши, қадрини баланд тутиши зарурлигига эътибор қаратди.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов байроқнинг қадрини чуқур ҳис қилиш учун байроқ нима деган саволни ҳар биримиз ўзимизга беришимиз кераклигини таъкидлади. Чунки унинг чинакам кучи,

қимматини таърифлашга, тунтиришга лойиқ сўз топишмайди. Ҳар қандай таърифу таҳсинлардан юқорироқ турадиган байроғимиз қадрини ҳар бир ватандошимиз қалбдан ҳис этиши муҳим аҳамиятга эга, — деди у. Шунингдек, бугунги ёшлар онгу тафаккурида, шуурида байроқ қадри чуқур ўрин олиши лозимлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, талаба-ёшлар ҳам миллий рамзаларимиз, байроғимиз ҳақида сўз юритишди, ўқиб, ўрганганлари бўйича фикр алмашишди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзХДПдан сайланган депутатлар томонидан шу йилнинг ўтган 9 ойида 324 депутатлик сўрови юборилди. Уларнинг 223 таси ижобий ҳал этилди.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида Қорақалпоғистон Республикасидаги ЎзХДП гуруҳларида 20 масала, доимий комиссияларда 11 масала кўриб чиқилди. 5 масала эса сессияга киритилди.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИНING

фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўлидаги ислохотларнинг муваффақияти сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг

Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқ экани алоҳида таъкидланган.

► Давоми 2-бетда.

ОБУНА — 2016

Замиражон САНОҚУЛОВА, бадий гимнастика бўйича ёзи Осие ўйинлари кумуш медали совриндори, кўп карра мамлакат чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти учинчи босқич талабаси:

— Бўш вақтларимда турли даврий нашрларни мурола қиламан. Айниқса, «Ўзбекистон овози» газетасини қизиқиш билан ўқийман. Чунки унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ воқеалар қаторида истеъдодли ёшлар, спортчилар ҳақида мақолалар кенг ёритилади. «Ўзбекистон овози»ни бундан кейин ҳам мунтазам ўқиб бораман.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасига сиз ҳам обуна бўлинг! Обуна индекси — 220



Янгиликлар, Бунёдкорликлар, Хабарлар...

Дўстлик ўрмони барпо этилди

Халқаро ҳамкорлик бўйича Жанубий Корея агентлиги (KOICA) Навоий вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Корея — Ўзбекистон Дўстлик ўрмонининг очилиш маросимини ўтказди. Бу ҳақда Навоий вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Ушбу Дўстлик ўрмонининг майдони тахминан ярим гектарга тенг бўлиб, чўлланишнинг олдини олиш мақсадида «Навоий» эркин индустриал-иктисодий зонасига бириктирилган ҳудудни кўкаламзорлаштириш лойиҳаси доирасида яратилди.

Замонавий технологиялар ва ускуналардан фойдаланган ҳолда, кўчат-хона барпо этилди. Келажақда кум буронлари ва шамоллардан ҳимоя учун майдони 140 гектарга тенг дарахтзор яратиш бўйича тажриба алмашиш режалаштирилмоқда.

Навоий

Самарқанд

Қашқадарё

Ишга йўлланма берилди

Самарқанд шаҳридаги Хунармаңдлар марказида 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросига қаратилган навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Бу ҳақда Самарқанд вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва прокуратура ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шаҳардаги юздан ортик қорхона, ташкилот ва муассасалар 1 минг 100 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди.

Ярмаркада олий ўқув юртли ва касб-хунар коллежларини битирган ёшлар, маҳаллалардаги ишсиз фуқаролар учун мақбул иш ўринлари таклиф этилди. Мутахассислик дипломига эга бўлмаган хотин-қизлар ва ёшларни касб-хунарга йўналтириш бўйича тавсиялар берилиб, уларга хунармаңдлар бириктирилди.

Шаҳрисабзда «Зооцирк» иш бошлади

Шаҳрисабз шаҳрида «Зооцирк» хусусий қорхонаси фаолият кўрсата бошлади. Бу ҳақда Қашқадарё вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Икки гектар майдонни эгаллаган мажмура хусусий қорхонада ҳайвонот боғи, музей ва дам олиш масканлари, турли аттракционлар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда «Зооцирк» да 20 дан зиёд киши иш билан таъминланди. Уларнинг аксарияти коллеж битирувчиларидир.

Мажмурада очилган музей ҳам томошабинлар билан гавжум. Музейда XV асрдан кейинги тарихни ўзида акс эттирувчи 600 дан ортик экспонат жамланган. Шаҳрисабз тарихи, табиати ва маданиятига доир қадимий осори-атиқалар, дорбозлик тарихи ҳақида маълумотлар барчани қизиқтириши табиий.

Келгусида бу ерда амфитеатр, болалар майдончалари барпо этиш ҳам кўзда тутилган.

Наврўз ФУЛОМОВ тайёрлади.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Ҳар бир партия ташкилоти

ҳамда депутатлик бирлашмаси дастурий мақсадларимиз ижроси йўлида қатъият билан ҳаракат қилмоғи керак



Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлари қандай масалаларни ўрганмоқда?

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш

ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қабул қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг 2016 йилга мўлжалланган лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Баходир Низомовнинг қайд этишича, Дастур лойиҳасига кўра, 2016 йилда 992,7 минг кишининг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган. Мақсадли комплекс дастурларга мувофиқ, янги объектларнинг ишга туширилиши, ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлаш ва кенгайтириш ҳисобига 396,9 минг иш жойи очилиши режалаштирилган. Шундан 130,8 минг таси сановатда, 69,3 минг таси хизмат кўрсатишда, 54,5 минг таси эса қишлоқ ҳўжалигида яратилиши мўлжалланган.

Бандлигини ошириш билан бир қаторда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва соҳалар ривожига янада кенг йўл очади.

Саттор Раҳматов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш долзарб масала ҳисобланади. Бу вазифани ҳал этишда янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолига барқарор даромад манбаини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, Дастур лойиҳасида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, яратилаётган иш ўринларининг сақланиб қолиши ва барқарорлигига эришиш, таълим муассасалари-



Самжар ШОҲУЛАҶАНОВ олган суратлар.

комиллаштириш бўйича муҳим чоралар белгиланяпти. Масалан, уй меҳнатининг энг аввало, корхоналар билан меҳнат шартномаларига асосланган касаначилик меҳнати, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида 142,9 минг нафар банд бўлмаган фуқароларни иш билан таъминлаш мўлжалланмоқда. Бунда асосан хотин-қизлар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож бошқа тоифаларини иш билан таъминлаш кўзда тутилган алоҳида эътиборга моликдир. Шу маънода олиб қарасак, Дастур лойиҳаси партияимиз дастурий мақсадлари, электрорат манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади.

Депутатларнинг таъкидлашича, бу йилги Дастур лойиҳасида ўтган йиллардагидан фарқли қатор жиҳатлар ўз аксини топган. Масалан, ҳали амалиётда бўлмаган Уччи, Пахтаобод ва Кўштенга туманларида янги, маҳаллий меҳнат бозорига мослаштирилган шакл ва услубларни жорий этиш назарда тутилмоқда. Бу орқали меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини иш

билан таъминлаш мақсадида корхоналар балансидаги фойдаланилмаётган ер участкаларида кичик сановат худудларини шакллантириш мўлжалланган.

Аҳад Аҳмедов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Маълум бўлишича, дастур лойиҳасида 512 мингга яқин касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрталари битирувчиларини ишга жойлаштириш мўлжалланган. Муҳим томони шундаки, дастур лойиҳасида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашнинг янги услубларини қўллаш мақсадида «Ўз бизнесини йўлга қўй» махсус порталини ҳамда «Бизнес-ангел» тизимини яратиш каби ижобий амалиётни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Бу таълим муассасаларини битираётган ёшларни эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишига қўмақлашишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Дастур лойиҳасига кўра, корхоналар (иш берувчилар), битирувчилар ҳамда ота-оналар ўртасида тузилган уч томонлама шартномаларнинг самара-

дорлигини ошириш ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш чоралари кўрилади, коллеж битирувчиларини ишга олувчи кичик корхоналарга кенг имтиёзлар берилди. Буларнинг барчаси кучли ижтимоий сиёсат тарафдори бўлмиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари амалга оширишга хизмат қилади.

Дастур лойиҳасида, шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган таълим тегиниш комиссиялар фаолияти самарадорлиги кучайтирилиши белгиланмоқда. Жумладан, 2016 йилда доимий фаолият юритаётган комиссияларнинг йиғилишини туман даражасида икки ҳафтада камидан бир марта, вилоят ҳокимликлари даражасида эса бир ойда камидан бир марта ўтказиш назарда тутилмоқда. Битта йиғилишда камидан 2-3 туманларда иш ўринларини ташкил этиш бўйича муаммоли лойиҳаларни, 10-15 муаммоли корхоналарни ва бу масалага масъул раҳбарларни тақлиф этган ҳолда кўриб чиқиш белгиланмоқда. Комиссия фаолияти билан боғлиқ тезкор ахборотлар ҳокимликлар, Савдо-сановат палатаси ҳамда Меҳнат

ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайтларида жойлаштирилиши режалаштирилган. Бундан кўриниб турибдики, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижросида масъулиятни жиддий тарзда кучайтириш мақсадида изчил чора-тадбирлар белгиланади.

Атрофлича муҳокамалардан сўнг, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари партиянинг гоявий мақсадлари ва Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури лойиҳасини қўллаб-қувватлашди.

Шундан сўнг депутатлар кун тартибига асосан, «Ўзбекистон Республикасининг Божжона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишди.

Таъкидландики, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги таҳрирдаги Божжона кодекси лойиҳаси ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш имконини беради.

Қонун лойиҳасини қўзиш муҳокама қилиш жараёнида депутатлар партия позициясидан келиб чиқиб, уни қўллаб-қувватлашди.

2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида ҳам кўриб чиқилди ва атрофлича муҳокамалардан сўнг депутатлар томонидан қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ ЎзХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан Тошкент автомобиль йўллар институтида «Бўлажак депутат» лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказилди.

Ёшлар партиянинг таянчи

Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар кенгаши ходимлари, талаба-ёшлар, партия фаоллари, БПТ раислари иштирок этди.

Партия аъзолари бўлган ёшларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш, ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишини таъминлаш, уларда фаол фуқаролик қарашларини шакллантириш мақсадида ташкил қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини янада кенгайтиришда дастурил-амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёшлар партиянинг энг катта кучи ва суянчидир. Партия дастурий мақсадларини амалга оширишда уларнинг ташаббускорлиги, ижтимоий-сиёсий фаолияти кучайиши муҳим аҳамиятга эга, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Шохрухмиро Абдурахмонов.** — Рақамларга эътибор қаратсак, 2006 йилда 30 ёшгача бўлган ёшлар партияимиз сафида 82 429 нафарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилга келиб 127 502 нафарга етди. Демак, партияимизга хайрихоҳ бўлган, дастурий мақсадларимизни қўллаб-қувватлайдиган йигит-қизлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Уларнинг сиёсий билиминини ошириш, партиявий ишларга қизиқишини кучайтириш биздан катта масъулият талаб этади. Шундан келиб чиқиб, бугун «Истиқбол» ёшлар қаноти ташкилий тизимини мустаҳкамлаш, етакчилар салоҳиятини оширишга қаратилган ижтимоий-сиёсий ўқувларни изчил йўлга қўймоқдамиз.

Тадбир доирасида маҳорат дарси, сиёсий-интеллектуал дебат каби машғулотлар ҳам ўтказилди.

— Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши учун керакли шарт-шароит яратилган, — дейди **Тошкент автомобиль йўллар институти талабаси Фарҳод Илҳомов.** — Ўтказилаётган бу каби тадбирлар, семинар-тренинглари маҳорат дарслари ёшларнинг сиёсий маданияти ва билими ошишига хизмат қилади.

Тадбирда «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари ва бир гуруҳ фаол талабалар билан ҳамкорликда ёшлар орасида тарғибот ишлари самарадорлигини янада ошириш масалалари бўйича тақлиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ

ДАСТУР ЛОЙИХАСИДА ИЖТимоий ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ФУҚАРОЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.

жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий инфратузилма ва бошқа йўналишдаги дастурлар билан беvosита боғлиқ. Шу боис Дастур фуқароларнинг

нинг битирувчиларини, хотин-қизлар, ногиронлар ва ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштириш, меҳнат бозори талабларига мос равишда касб-хунарга ўқитиш тизимини янада та-

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИНING

фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партияларнинг роли ва таъсири ортб бормоқда. Улар вакиллик органлари фаолиятининг турли йўналишларида фаолият юритмоқда. Бундай йўналишлардан бири сифатида депутатлик бирлашмалари ҳисобланган фракцияларни кўрсатиш мумкин. Қайд этиш керакики, фракция Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини ифодалаш мақсадида тузилади. Шубҳасиз, парламентимизнинг куйи палатасида партия фракцияларининг ташкил топиши унинг фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, муайян бир қонун, қарор ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши жараёнида сиёсий партия фракцияларининг таъсири натижа-сида аҳолининг турли қатламлари манфаатлари ҳисобга олинишини кўришимиз мумкин. Бу эса, албатта, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг сифатли бўли-шини таъминлайди.

Қайд этиш керак, мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ривожлантириш борасида сиёсий партия фракцияларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»-ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»-ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»-ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»-ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»-ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»-ги қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни келтириш мумкин.

Хусусан, Конституцияимизнинг 56-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этиладиган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимлар жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар, бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамиятининг институтлари ҳисобланади. Улар нафақат фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этадиган, балки маз-сун-моҳиятини ҳам белгилаб бера-

диган институтлар ҳисобланади. Фуқаролик жамияти институтлари мақсад ва вазифаларининг асосий йўналиши мамлакатимизда демократик кадриятлар ва таъминчилар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Шу билан бирга, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»-ги қонуннинг 3-моддасида «ижтимоий шериклик»-ка



Муайян бир қонун, қарор ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши жараёнида сиёсий партия фракцияларининг таъсири натижасида аҳолининг турли қатламлари манфаатлари ҳисобга олинишини кўришимиз мумкин. Бу эса, албатта, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг сифатли бўлишини таъминлайди.

таъриф берилган. Унга кўра, ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамла-катни ижтимоий-иқтисодий ривож-лантириш дастурларини, шу жум-

ладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлиги-дир.

Дарҳақиқат, сиёсий партия фракцияларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро таъсир-чан ҳамкорлиги, биринчи навбатда, партия дастурларининг ҳаётга таъбиқ этилиши самарадорлиги ошиши-га, фуқаролик жамияти институтларининг қонун лойиҳалари бўйича фикр ва тақлифлари амалга оши-ришига, шунингдек, уларнинг парла-ментдаги партия фракциялари то-монидан қонун лойиҳалари ишлаб чиқирилиши ва муҳокама қилинишида катнашишига имкон яратади.

Айни вақтда сиёсий партиялар фракциялари ва фуқаролик жамия-ти институтлари ўзаро ҳамкорлиги-нинг асосий йўналишлари ва шакл-ларини куйидагиларга ажратиш мумкин.

Биринчи шакли қонун лойиҳа-ларини такомиллаштиришдаги ўзаро ҳамкорликдир. Бу жараён фракцияга келиб тушган қонун лойиҳаларини бир вақтнинг ўзида фуқаролик жамияти институтлари иш-тирокида уларнинг тақлифлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда муҳокама қилиши ўз ичига олади.

Иккинчи шакли самарали парла-мент назоратини амалга ошириш-даги ўзаро ҳамкорлик бўлиб, у

ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мун-тазам равишда мониторингини амалга ошириш, қонунчиликдаги бўшлиқларни аниқлаш, қонунчилик-ни такомиллаштириш учун тақлиф-ларни киритиш, шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари-ни фракция ташаббуси билан таш-кил қилинадиган эшитувларни тайёрлаш жараёнига жалб қилиш орқали амалга оширилади. Таъкид-лаш керак, фуқаролик жамияти ин-ститутлари томонидан тақдим этил-ган маълумотлар тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарларини эшитишда ҳисобга олиниши янада самарадорликка хизмат қилади.

Учинчи шакли жойлардаги сай-ловчилар билан алоқаларни муста-ҳкамлаш масалаларидаги ўзаро ҳам-корлик ҳисобланади. Бу фракция аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари вақтида айрим ҳуд-удий масалаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этиши орқали амалга оши-рилади.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий партиялар фракциялари ва фуқаро-лик жамияти институтларининг ўзаро самарали ҳамкорлиги, авва-ло, қонун лойиҳалари ҳар томонла-ма пишиқ ва пухта бўлишида, парла-мент назоратининг самарадорли-ги ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Давронбек ОЛИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.



■ ЎЗБЕКISTON ХДП ТОМОНIDAN ЖОЙ-ЛАРДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРДА УЎШТИРИЛ-МОҚДА, ҚУРУҚ МАЪРУЗАЛАР ЎРНИГА КўПРОҚ ЖОНЛИ, ИНТЕРФАОЛ МАШҒУЛОТЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.



■ ҲАР БИР СИЁСИЙ ПАРТИЯ АҲОЛИНИНГ МАЪ-ЛУМ БИР ҚАТЛАМИ — ЎЗ ЭЛЕКТОРАТИ МАНФАА-ТИНИ ИФОДА ЭТАДИ. ШУНИНГ УЧУН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ЭЛЕКТОРАТ МУАММОЛАРИНИ ЯХШИ БИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ УЧУН КАТЪИЙ ҚУРАШ ОЛИБ БОРИШИ ЗАРУР.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»:

ҚИЁФАСИЗ ОЛОМОН, МАНЗИЛСИЗ ЙЎЛ

Қаргалар сайраган замон, Булбулнинг қадри бўлмас...

Халқ кўшиғидан Қайсидир бир байрам арафасида беш яшар неварамнинг боғчасига мутасадди раҳбарлар келибди-да, байрам кайфиятида:

— Қани, битта ашула бўлсин! — дебди.

Болалар жим, боғча опалар ташвишда.

— Қани, бошладик...

Лекин болалар жим. Мутасаддилардан биттаси: — Майли, хоҳлаган кўшигингни айтaverинг, — дебди. Болаларнинг барчаси қўл кўтарибди. Мутасаддининг назари неварамга тушибди. У эса бир қадам олдинга чиқиб:

— Ой қизни, шу қизни, билкилдоқ, чилпилдоқ..., — дея овозининг борича боғчани бошига кўтарибди. Мутасаддилар чапак чалибди. Мен ҳам шундай қилган бўлардим, чунки қайси бир отага неварасининг кўшиги маъқул бўлмайди...

Неварамни доимо ёнимда олиб юраман ва унинг анча жумбоқли саволларига жавоб топа олмай, роса қийналаман. Қорақалпоқнинг тўйларида қўл ашулалар, тилаклар бўлади. Баъзан, тамадининг, кўшиқчининг баланд овозидан ёнингдаги кадр-

дан қолган урф-одатлари, удумлари инсонни эзгу туйғулар билан сугориб боради. Лекин ўша пайтда қайси бир инсонга эзгулик суви камроқ тегса, у тўлақонли ривожланмайди. Шу нуқтаи назардан, «Ота-бобом чайладан чиққан», — дея, ҳаммани чайлага чақиравериш ҳам маъқул эмас. Шунингдек, биз байналмилал, толерант-модернчиларимиз, дея бошқаларни ўзлари тушунган-тушунмаган дунёга чорлаш ҳам яхшилиқка олиб келмайди.

«Оммавий маданият»нинг на моддий, на маънавий асоси йўқ. У оддий эҳтиросга қурилган бир дунё. Эҳтирос эса, нафақат инсон, ҳатто ҳайвонот дунёсида ҳам бор.

Эсингизда бўлса, бир пайтлари «совет турмуш тарзи» деган тушунча бўларди. Унинг нима эканлигини ҳеч ким билмасди, лекин уни зўр бериб тарғиб-ташвиқ қилишарди. Ҳозирги «оммавий маданият» деганлари қандай турмуш тарзини тарғиб қилапти? Бизни кимларга ўхшаб яшашига ундапти?

Энди яна «оммавий маданият»га қайтсак, менимча у асосан, адабиёт, мусика, кино-телевидение ва ижрочилар орқали тарғиб қилинапти. Севгилиснинг қулоғига айтилиши керак бўлган гапларни ишқий лири-



миш бир одат пайдо бўлди. Унга кўра, қайси бир тарихий маскан ёки машҳур одамлар билан қўл телефони орқали ўзини ўзи суратга олади. Бу бизда ҳам кириб келди. Масалани ачинарли томони шундаки, шу йўсида тарихда қолиш аллақачон айрим ёшларнинг орзусига айланаётган бўлди. Лекин ушбу орзу доимий одатга ёки уларнинг турмуш тарзига сингиб кетса-чи? Унга яланғоч, юзта яланғоч, мингта яланғочни суратга олиб машҳурлик касалига мубтало бўлган фотограф ёки аввал ўзининг баданига лат етказиб, сўнгра яланғоч ҳолда тиканак сим тўрларга ўрнатиш кўчада ётган, петибурглик расмсом Петр Павленский ўзининг бу хатти-ҳаракатларини буюқ санъат ҳисоблаётганига нима дейсиз?

Биз баъзан, арзиммаган нарса-ку, дея яқин-атрофимизда содир бўлаётган ҳодисаларга эътибор беравермаймиз. Коллеж ёки олий ўқув юрларида ўқибётган кизимизнинг оёқ кўллари тирноқларига қизил-яшил... ранг-баранг бўёқлар суртилганига,

баъзан йигит-қизларнинг таналарига туширилган ажнабий расмлар билан битикларга бефарқ қараймиз. Бир пайтлар инглизчани тушунмасдан, орқаларига «Мен ахмоқ» деб ёзилган кўйлакни кийиб юрганлар ҳам бўлган.

Энди ҳирс уйғотувчи модалар билан ҳаракатларни айтмасам ҳам бўлади. Чунки муқаддас динимиз, урф-одатларимизда ҳирс уйғотувчи хатти-ҳаракатлар гуноҳ ҳисобланади. «Қиз болага қирқ уйдан тийилиш, бир уйдан қийилиш» деган доно ибора ўз-ўзидан пайдо бўлмаган-ку...

Ҳозирги глобал дунёнинг ёт таъсирлари ёшларимизни дажвол каби ўз орқасидан эргаштириб бораётгани, ҳар хил ажнабий байрамлар мисолида ҳам намоён бўлмоқда. Уларнинг бири — Валентин куни, яъни 14 февраль. Баъзилар бу кунни «Севиллар куни» дея оқлашга интилади. Майли, Валентин ва Валентина отдош кимсалар, қайси бир замон афсоналарига кўра, бир-бирини севишган бўлиши мумкин, нима учун ҳар

бир инсон учун тақдорланмас, муқаддас туйғу ҳисобланган муҳаббатга айнан улар намуна бўлиши керак? Ахир севиш қонуниятларига биноан, учинчи шахснинг пайдо бўлиши унинг муқаррар ўлими-ку? Ахир, Ромеони Жульеттадек, Ширинни Фарходдек, уларнинг ўзларидан бошқа яна ким сева оларди?... Яна бир «байрам» — «Хэллоуин»...

Бизнинг турмуш тарзимизга мутлақо ётди. Балки, қайси бир элатлар удумларида қандайдир маънога эга бўлиши мумкин, лекин унинг ниқобларида бизнинг кўчаларга чиқсангиз, сизни қип-қизил жиннига чиқариб қўйишади...

Кам бўлса-да ораимизда: — Биз энди шундаймиз, нима қилаётганимиз билан ишингиз бўлмасин, — дейдиганлар ҳам топилиб қолади. Уларга эса шундай жавоб бермоқчиман:

Тўғри, ҳаммининг эрки ўзида. Лекин бизда муқаддас оила, муқаддас жамият, деган тушунчалар мавжуд. Кунни кеча, Синай ярим оролида ҳалокатга учраган Россия самолёти қурбонларига қон ютиб, мотам тутилган бир пайтда мазкур мамлакатдаги тунги клубларда «Хэллоуин» байрами ўтказилди.

Баъзи бир давлатларда «Бўйдоқлар куни» байрами ҳам бор. Энди нима, биз ҳам уйлангунча ёки эрга чиққунча, шу байрамга қўшилишимиз керакми?

Хуллас, «оммавий маданият» сингари қиёфасиз дунёдан ёшларимизни, қандай асраб қоламиз?

Ҳозир бизда тунги клуб, беҳаё базмларга чек қўйилгани айни муддао бўлди. Лекин айрим «демократик тарбия» тарафдорлари «ёшлик бир марта берилди, вақтида маза қилишсин-да», дейишмоқда.

Менимча, халқимизнинг миллий гурури асосида, жамиятимизнинг ижодий муҳитида сўз кадрини, санъат кадрини, ижод кадрларини юксалтириш, ижодкорнинг халқ олдидаги фарзи ва қарзи тамойилларини кўриб чиқиш керак.

Тўлелберген Қайипбергенов айтган эди:

— Агар, дин бўлмаганида, одамлар бир-бирини еб қўярди...

Габрия Гарсия Маркес айтганда: — Адабиёт инсонни юпатиш учун керак...

Икром Отамурод айтди: — Сўз қадри қайтади...

Мен айтаман: — Қўлда борининг қадрига етайлик... У — умуминсоний негизларга қурилган миллий маънавиятимиздир.

Ўзрўбой АБДУРАҲМОВ, Қорақалпоқiston халқ ёзувчиси.



Қор зарби тош кучига тенг

Маълумки, қорли кунларда ўсмирлар дарҳол қорбўрон ўйнашга чоғланади. Бу ўйиннинг ҳам ўзгача завқи бор, албатта. Бироқ Фландрияда (Бельгия) болалар ва ўсмирлар, умуман, катта ва кичик ёшдагилар қорбўрон ўйнаши тақиқланган.




Бу ерда қорбўрон ўйнашни тақиқловчи меъёрий тартиб жорий этилганига ҳам анча вақт бўлиб қолди.

Ушбу тақиқлов ижросини назорат қилиш полиция зиммасига юкланган. Кимки бу қондани бузса, 100 евро миқдорда жарима жазосига тортилади.

Экспертларнинг айтишича, де-йилади «Eurotag» нашри ахборотида, қорбўрон хавфли ўйин турларидан ҳисобланади. Думалокланган қор зарби тош кучига тенгдир. Агар у кўзга тегса...

5 миллиард километр узоқдан хабар келмоқда

Гап шундаки, шу пайтгача Плутоннинг Никта ва Гидра кичик йўлдошлари ўта секинлик билан ҳаракатланади ва у Плутон атрофида айланади, деган тахмин ҳукм суради. Энди маълум бўлдики, бу йўлдошлар



фақат Плутон атрофида эмас, балки Плутон ва унинг йирик йўлдоши бўлмиш Харон тизими бўйлаб айланади. Шунингдек, йўлдошлар ҳамми ҳам аниқланди: Никтанинг ҳажми 54 га 36 километрни ташкил этса, Гидраники 43 га 33 километр экан.

«Science» журнали хабарига қараганда, Никта 24,8 кеча-кундузда Плутонни тўлиқ айланиб чиқса, Гидра 38,2 кеча-кундузда шундай ҳаракатни амалга оширади. Уларда ҳам метеоритлар зарбасидан қолган кратерлар бор экан: Никтада бундай чўқур иккита бўлса, Гидрада биттадир.

Айни пайтда «New Horizons» фазовий аппарати Ердан 5 миллиард километрдан ортиқ масофада ҳаракатланмоқда. 2019 йилда у Плутондан 1,6 миллиард километр узоқда Койпер белбоғида жойлашган 2014 MU69 сайёрасимон юлдузга етиб бориши кутилмоқда. «New Horizons»нинг фазовий миссияси 2020 йил ўрталарида яқунланади. Унинг асосий вазифаси Плутон ва унинг йирик йўлдоши — Харон магнитосферасини, атмосфераси қатлами таркибини ҳамда сайёра сиртини ва Плутон билан Хароннинг бир-бирига ўзаро таъсирини ўрганишдан иборатдир. Аммо у ҳозирда бошқа йўлдошлар ҳақида ҳам маълумотлар етказмоқда.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Оммавий маданият»нинг на моддий, на маънавий асоси йўқ. У оддий эҳтиросга қурилган бир дунё. Эҳтирос эса, нафақат инсон, ҳатто ҳайвонот дунёсида ҳам бор.

донингизнинг «салом-алиғийи» ҳам, ҳатто, қайси тўйга, нимага келганингизни ҳам эшитмай, билмай қола-сиз. Бошқа жойларда ҳам худди шундай, бундай шовқин-суронли тўйларга баъзан мана шу неварам билан борамиз.

У савол беради: — Ота, сиз уйланганда лимузин бормиди?

— Ота, мен хитойнинг қизини олсам, уйга киритасизми?

Неварамнинг бошқотирмаларига жавоб топа олмаётган бир пайтда, сиз «оммавий маданият» тўғрисида жуда мушкул савол қўйдигиз-да! Нима дейиш мумкин?

Вақт ҳар қандай маънавий-маданий дунёни янгилаб бораверади. Янгилашни даврида халқнинг қадим-

ка дея «болалар ёзаверса, ижрочи-лар бир қизнинг исмини тўрт қарра бакириб-чақирса ашула бўлади ёки рэп жанрида куйлайман дея, Мольернинг машҳур комедиясидаги граф Журденга ўхшаб, насрни мусиқий интонацияга солса, модерн кўшиқ чиқади, дейдиганлар кўпайиб кетди. Оқибатда эски қорақалпоқ халқ мусикалари билан кўшиқларининг айримларини тирик муаллифлар ўзлаштириб олиб ижро этмоқда. «Оммавий маданият» қалпоғи остида адабиёт ва санъатда ўғрилқлар пайдо бўлмоқда... Буларнинг оқибати, албатта, яхшилиқка олиб келмайди.

Мана «оммавий маданият»нинг айрим кўринишларига эътибор беринг: Сўнгги пайтлари, «селфи» атал-

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Ободлик бор жойда қут-барака бўлади

Зарафшон шахри ҳақида гап кетганда, кўз ўнгингизда улкан sanoat корхоналари гавдаланади. Бугунги кунда бу ерда йигирмадан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил, иноқ истиқомат қилмоқда.

Навий кон-металлургия комбинатига қарашли бўлинмаларда меҳнат қилувчи одамларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш, ишдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш доимий эътиборда. Шаҳарда тунда сайр қилишнинг гаши бошқача. Қизилқумнинг олтин нафаси эсиб турувчи муаттар ҳаво қалбингизга ўзгача илиқлик, ҳуш кайфият олиб киради. Тўрт томони чўлдан иборат мўъжизавий шаҳар ўзининг тозалиги, ободлиги билан ҳам ажралиб туради. Шаҳарни доимий тозаозода сақлаш эса Ободонлаштириш бошқармаси ходимлари зиммасида.

— Бошқармаимиз шаҳарнинг «Мурунтоғ», «Даугустоғ», «Янги Зарафшон» худудларидаги

саҳида бошқарма бўлимларига тўлов терминаллари ўрнатилди. Худудларни кўкаламзорлаштириш, гул қўчатлари экиш ва атмосфера мусаффолигига эришиш учун март-апрель ойларида 2700 дан ортиқ манзарали дарахт, 15 мингдан зиёд гул қўчати экилди. Бошқарманинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва шаҳар аҳолисига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида янги, замонавий техникалар харид қилинди.

Дарҳақиқат, ободлик бор жойда қут-барака бўлади. Ободлик одамларни улкан марралар сари руҳлантиради. Мана шу ҳаётий ҳақиқатни яхши англаган бошқарманинг ҳар бир ходими ўз зиммасидаги масъулиятни астойдил бажаришни мақсад қилган. Улар меҳнатидан шаҳар аҳолиси ҳам мамнун.

— Салкам қирқ йилдан буён шу ерда яшайман, — дейди «Юлдуз» маҳалласида истиқомат қилувчи Заргул Мўминова. — Шаҳримиз меҳмонлари



Зарафшоннинг обод ва озодлигини алоҳида таъкидлашади. Бу бежиз эмас. Мустақиллик йилларида шаҳар кифёси тубдан ўзгариб, бир-биридан кўркам иморатлар, спорт маж-

муалари қад ростлади, кенг ва раво йўллар қурилди. Бундай сазъ-ҳаракатлар, эзгу ишлар барчамизни қувонтиради. Айниқса, гўзал шаҳримизнинг ободлигига ҳисса қўшаётган

Ободонлаштириш бошқармаси ходимлари фаолиятидан ҳаммамиз мамнунмиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 17 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

Table with exchange rates for various countries: Australia, England, Denmark, etc.

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

СПОРТ



Равшан Эрматов финал ўйинини бошқаради

21 ноябрь куни футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги голиби номи маълум бўлади.

Китъамининг мазкур нуфузли мусобақаси финали Европа чемпионлар лигасидан фарқи равишда икки учрашувдан иборат. Ҳал қилувчи бахсинг дастлабки учрашуви Бирлашган Араб Амирликларида «Ал-Ахли» — «Гуанчжоу Эвергранд» (Хитой) жамоалари ўртасида ўтказилиб, унда ҳисоб очилмаганди — 0:0.

Жавоб учрашуви эса Гуанчжоудаги «Тяньхэ» стадионида ўтказилиши белгиланган. Осиё футбол конфедерацияси Ҳакамлар департаменти қарорига кўра, «Гуанчжоу Эвергранд» — «Ал-Ахли» ўйинини Осиёнинг беш қарра

«Энг яхши ҳаками» номинацияси голиби, ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошқариб боради. Унга ҳамюртларимиз ФИФА лансменлари — Абдухамидулло Расулов, Жаҳонгир Саидов кўмаклашади. Учрашувнинг захирадаги ҳаками вазифини Валентин Коваленко бажаради.

Маълумот ўрнида шунитаккидаш керакки, Равшан Эрматов бунгача уч (2007, 2011 ва 2013 йиллар) марта Осиё чемпионлар лигаси финал учрашувларини бошқарган.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бугунги кунда болалар musiқа ва санъат мактабларида 13 йўналишда 53 ихтисослик бўйича ўқувчиларга musiқа ва санъат сирлари ўргатилмоқда.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

«Йилнинг энг намунали болалар musiқа ва санъат мактаби»

республика кўрик-танлови якунланди

Халқ таълими вазирлиги томонидан пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 20-болалар musiқа ва санъат мактабида «Болалар musiқа ва санъат мактабларида яратилган замонавий шароитлар ва ўқувчи-ёшларнинг халқаро танловларда муваффақиятли иштироки» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда тизимда олиб борилаётган ишлар ҳамда эришилган ютуқлар ҳақида атрафли маълумот берилди.

2008 йилгача болалар musiқа ва санъат мактабларида 9 йўналиш мавжуд бўлган, — деди Халқ таълими вазирлиги ўринбосари Дилшод Кенжаев. — Кейинги йилларда ўқув дастурларига театр санъати, тасвирий санъат, амалий санъат, академик хонандалик йўналишлари ҳам киритилди. Бугунги кунда болалар musiқа ва санъат мактабларида 13 йўналишда 53 ихтисослик бўйича ўқувчиларга musiқа ва санъат сирлари ўргатилмоқда.

Натижада ўқувчилар қамрови 1,5 баробарга ортди. 2008 йилда болалар musiқа ва санъат мактабларида



Австрияда бўлиб ўтган «SALZBURG STARS» халқаро musiқа фестивали голиби, Тошкент шаҳридаги 20-болалар musiқа ва санъат мактаби 2-синф ўқувчиси Севинч Мирғуломова ўқувчиси Гулнора Хамингова билан машғулот пайтида.

республика бўйича жами 38034 нафар ўқувчи таълим олган бўлса, бу йил уларнинг сони 58013 нафарга етди.

2015 йилнинг ўтган даври мобайнида истеъдодли ёшларимиздан 115 нафари Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Руминия, Россия, Озарбайжон, Латвия каби давлатларда ўтказилган турли нуфузли халқаро танловларда қатнашиб, голибликни қўлга киритди.

Матбуот анжуманида «Йилнинг энг намунали болалар musiқа ва санъат мактаби» кўрик-танлови голибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ҳайъат аъзолари қарорига кўра, 3-ўрин Тошкент шаҳар 12-болалар musiқа ва санъат мактабига, 2-ўрин Фарғона шаҳридаги 4-ва Тошкент шаҳридаги 14-болалар musiқа ва санъат мактабига насиб этди. 1-ўринга эса Тошкент шаҳридаги 20-

болалар musiқа ва санъат мактаби лойиқ топилди. Бу муассаса ўқувчилари 50 га яқин кўрик-танловда иштирок этиб, уларнинг деярли барчасида нуфузли ўринларни қўлга киритди. Шуллардан ўнга яқини халқаро миқёсдаги танловлардир. Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шаҳбоз САИДОВ

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда «Агробанк» АТБ ҳамкорлигида «Банклар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

«АГРОБАНК» КРЕДИТЛАРИ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Унда деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш борасида «Агробанк» АТБ томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Мазкур молия муассасаси томонидан фермер хўжалиқлари, хусусий тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётгани айтиб ўтилди. Шунингдек, аҳолига тезкор, сифатли ҳамда замонавий банк хизматлари кўрсатиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилётгани таъкидланди.

Жумладан, 2015 йилнинг ўтган даврида ер ва мулк ағаларининг турли бизнес лойиҳаларини, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш учун қарийб 2,5 триллион сўм кредит ажратилди. Ушбу маблағнинг 31 миллиард сўми қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, 108 миллиард сўми эса озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди.

— Маблағлар тақсимотида барча тармоқлар эътиборга олинди, — дейди «Агробанк»нинг қишлоқ хўжалигини кредитлаш бошқармаси бўлим бошлиғи Азизбек Аҳмадалиев. — Масалан, иссиқхоналар қурилишига 11,7, чорвачиликни ривожлантиришга 55, паррандачиликка 5,8, балиқчилик ва асаларичиликка 7,4, иссиқхона қурилиши ва уруғлик картошка етиштириш учун эса 13,4 миллиард сўм кредит ажратилди.

Кредитлар ҳисобига ишлаб чиқариш жараёни модернизация қилиниб, технологик қайта жиҳозланмоқда. Қўллаб-қувватлаш алоҳида охиши натижасида жорий йилда 40100 иш ўрни яратилди. Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Каракалпакский филиал ООО «Аргосаноат мулк маркази»

18 декабря 2015 года в 12.00 в городе Нукусе проводит открытие аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу:

— Автомашина марки «Дамас», 1997 года выпуска, гос. номер 23 АД 353. Начальная цена 1 702 500 сум, принадлежащая специализированный государственный образовательный учреждение № 6 для детей со сколиозом Ходжейлинского района Республики Каракалпакстан.

Приём заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Приём заявок прекращается за один день до начала аукционных

торгов. Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 филиала ООО «Аргосаноат мулк маркази» в АК «Туронбанк». Информацию об объектах, выставяемых на торги, можно получить по адресу: г.Нукус. ул. Амира Темура, дом 122 а. Телефон для справок: (0-361) 222-55-84

Услуги лицензированы. Удостоверение № 006388

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

ZAZ Forza
Дв.: 109 л.с.
Бензин / газ

LADA

Нива бизнес-пикап, 4x4
Дв.: 80,92 л.с. - Бензин / газ

GAZ

ТУЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ УТНАШИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Амир Темура шох кўчаси, 110-уй.
Муължал: Телевизион минора қаршисида.
Телефонлар: (+998 71) 212-08-70, (+998 95) 177-01-17, (+998 95) 194-34-51.
www.sardor-avto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

EMMM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қончилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси оғохлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузаитиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб қиришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:

Тошкент шаҳри,	Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел: 230-61-13, 202-61-68.	Наманган шаҳри,	Марғилон кўчаси, 8-а уй. 2-корпус, 54-хонадон, тел: 230-64-72.
Андижон шаҳри,	Чўлпон шох кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел: 230-64-65.	Самарқанд тумани,	Ўрташқ қишлоғи, ТРНС, тел: 230-64-80.
Бухоро шаҳри,	академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66.	Термиз шаҳри,	Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, тел: 230-64-79.
Жиззах шаҳри,	Халқлар дўстлиги шох кўчаси, АТС-4 биноси, тел: 230-64-68.	Гудистон шаҳри,	Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 230-64-67.
Нукус шаҳри,	Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, тел: 230-64-75.	Фарғона шаҳри,	Алишер Навоий кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел: 230-64-74.
Қарши шаҳри,	2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел: 230-64-78.	Урганч шаҳри,	Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, тел: 230-64-77.
Навоий шаҳри,	Амир Темура кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел: 230-64-69.		

ОБ-ҲАВО	17-18.11 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
0 / +5	+8 / +13
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+5 / +10	+15 / +20
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+4 / +9	+13 / +18
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+5 / +10	+15 / +20
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+2 / +7	+12 / +17
Тошкент шаҳри	
+4 / +6	+15 / +17
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+15 / +15
Париж	+17 / +15
Москва	0 / +2
Мадрид	+16 / +21
Пекин	+9 / +6
Канберра	+30 / +34
Рим	+19 / +19
Афина	+23 / +22
Токио	+22 / +20
Стокгольм	+7 / +5
Кейптаун	+23 / +26
Қоҳира	+24 / +24
Гавана	+29 / +32
Вашингтон	+16 / +18

MUASSIS:
Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45
Xatlar va murojaotlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi:
Toshtemir XUDOVYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-9639

1 2 3 4 5